

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

7-сон
(351)
2009 йил
16 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

68. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 10 февралдаги ПҚ-1055-сон қарори

Учинчи бўлим

69. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макрокисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 февралдаги 36-сон қарори

70. «2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 37-сон қарори

71. «Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 40-сон қарори

Бешинчи бўлим

72. «Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 28 январдаги 11, 64, 2009-6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1901*)
73. «Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 18 январдаги 40-3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 467-3*)
74. «Инновация илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академиясининг 2008 йил 30 декабрдаги 8, 12, 270, 65, 44/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1706-1*)
75. «Кон-металлургия ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда химояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 19 январдаги 2/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1902*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 7 февралдан 13 февралгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

68 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ–1005-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги ПҚ–136-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 8-банди «г» кичик бандининг еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«хорижий давлатлар ва халқаро молия институтларининг техникавий, мурувват, беғараз ёрдами ва бошқа ёрдамларини ўрганиб чиқиш ҳамда олиш жараёнида иштирок этади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон қарорининг 2-банди мазмуни қуйидагича хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан номоддий шаклдаги мурувват ёрдами ва техникавий кўмаклашиш воситаларининг тўлиқ ҳамда тизимли ҳисоб-китобини юритиш».

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 февраль,
ПҚ–1055-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

69 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 февраль,
36-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 февралдаги 36-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

хузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси» сўзлари «республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби 3-бандининг «е» кичик бандига «газ экспорти ва транзитини амалга оширадиган корхоналардан ташқари» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 30-модда) 5-бандининг иккинчи хатбошига «газ экспорти ва транзитини амалга оширадиган корхоналардан ташқари» сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 98-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом 33-банди «а» кичик бандининг учинчи хатбошидаги «болаликдан ногиронларга» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

70 2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида

Иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини янада такомиллаштириш, мавжуд табиий ресурслардан ва иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, замонавий бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, аҳолининг бандлигини, турмуш даражасини барқарор ва изчил оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин, Дастур қуйидаги асосий йўналишларни ва мақсадли параметрларни назарда тутаяди:

мавжуд табиий ресурсларни комплекс ва самарали ўзлаштириш, ҳар бир туманнинг иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек хорижий инвестициялар ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига ялпи минтақавий маҳсулотнинг 2009 йилда 7,7 фоизга, 2010 йилда 8 фоизга ўсишини таъминлайдиган минтақавий иқтисодиётни барқарор юқори суръатларда ўстириш;

замонавий қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни давом эттириш, биринчи навбатда, аҳолининг бандлик даражаси паст ва дотацияда бўлган туманларда рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига ялпи минтақавий маҳсулот ҳажмида саноат корхоналари улушини 2,2 бараварга етказиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик бизнеснинг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улушини 29,8 фоизгача етказиш ҳамда шу асосда доимий иш ўринлари ва барқарор даромад манбалари яратиш ҳисобига аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этиш;

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида, айниқса қишлоқ жойларда тадбиркорлик ташаббусларини янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, унинг ялпи минтақавий маҳсулот таркибидаги улушини 30,9 фоизгача етказиш;

қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ичимлик сув ва табиий газ таъминотини яхшилаш.

2. 2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш тадбирлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Дастурнинг мақсадли параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида 2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича 3-иловага* мувофиқ таркибда Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилсин.

Қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Дастурнинг мақсадли параметрларига эришиш юзасидан мониторинг натижаларини кўриб чиқиш ва шу мақсадда вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек Навоий вилояти ҳокимлиги фаолиятини мувофиқлаштириш;

вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг, шунингдек Навоий вилояти ҳокимлигининг пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этиш учун чора-тадбирлар кўрган ҳолда ҳисоботларини эшитиб бориш;

Дастурда назарда тутилган тадбирлар ва лойиҳаларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобига амалга ошириш учун молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилашга кўмаклашиш;

мавжуд ресурслардан ва молиявий манбалардан, шу жумладан халқаро грантлар ва кредитлардан оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда Дастурнинг мақсадли параметрларига тузатишлар киритиш ва уларни аниқлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

4. Қуйидагиларга:

* 2-3-иловалар берилмайди.

Навоий вилояти ҳокимига, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларига — тасдиқланган Дастурнинг прогноз параметрлари тўлиқ ва сифатли бажарилиши юзасидан;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига — тегишли тадбирларнинг ва Дастурга киритилган тармоқ лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан шахсан жавобгарлик юклансин.

5. Навоий вилояти ҳокими (Э. Турдимов) ҳар бир туман ва шаҳар бўйича Дастурнинг бажарилишини ҳар чорақда танқидий кўриб чиқсин, мақсадли дастурларга эришиш учун зарур чора-тадбирлар кўрсин, бунда янги иш ўринлари ташкил этишга ва ижтимоий лойиҳаларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

Дастурнинг бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин, ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг эришилган даражаси танқидий таҳлил қилинишини таъминласин, минтақа иқтисодиётидаги энг долзарб ва муҳим муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ таклифлар киритсин;

мониторинг натижалари бўйича ҳар чорақда ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 10-кунигача Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган материаллар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Дастурда назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга фаол жалб этиш мақсадида халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда унга Дастурда назарда тутилган энг муҳим инвестиция лойиҳалари киритилишини назарда тутсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 11 февраль,
37-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 11 февралдаги 37-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс
ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
ДАСТУРИ**

Кириш

Мустақиллик йилларида иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартиришларга, республиканинг барча тармоқлари ва ҳудудларини мутаносиб ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган изчил ва қатъий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ривожлантиришнинг ишлаб чиқилган мақсадли дастурлари ҳудудлар билан пухта боғланган ҳолда амалга оширилмоқда, йирик минтақавий инвестиция ва ижтимоий лойиҳалар аҳолининг бандлигини ва турмуш даражасини барқарор ўстиришни таъминламоқда.

Навоий вилоятида ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда сезиларли натижаларга эришилди. Амалга оширилаётган таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодиётни модернизация қилиш доирасида вилоят туманлари, шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларини иқтисодий ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Аҳолининг энг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга, бандликни таъминлашга, кичик бизнесни ривожлантиришга, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга, қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган минерал-хом ашё ресурсларини қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича қувватларни яратишга, шунингдек шимолӣ ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиётидан оқилона фойдаланишга йирик инвестициялар йўналтирилди.

Моддий-техник ва молиявий базани, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудларни ривожлантириш юзасидан ваколатлари ва масъулиятини кенгайтиришга йўналтирилган институционал қайта ўзгартиришлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаби ва эҳтиёжини ҳисобга олиб, кейинги йилларда вилоятда бир қатор ҳал қилинмаган муаммоларнинг кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Вилоятда ҳар бир ҳудудни унинг жуғрофий жойлашишидан, иқлим шароитларидан, меҳнат ва молиявий ресурслар мавжудлигидан, шунингдек ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда комплекс ривожлантириш имкониятлари ҳар доим ҳам ҳисобга олинмаяпти.

Вилоят кўламида маҳаллий корхоналарда, айниқса етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этиш соҳасида

саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ишларининг самарадорлиги мутлақо етарли эмас.

Маҳаллий корхоналарда юқори ликвидли ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган саноат ишлаб чиқаришларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг пухта тизими мавжуд эмас.

Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнесни ривожлантириш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш масалаларига етарли эътибор қаратилмаяпти. Бу айниқса қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, чунончи, тиббий ва маиший хизматни кўрсатишни, аҳолининг ичимлик сув ва табиий газ таъминотини яхшилашга тааллуқлидир.

Вилоятни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш давлат ва хўжалик бошқаруви ҳудудий органларининг барча даражаларида кадрлар малакасини ҳамда бошқарув ходимларининг касб маҳоратини жиддий оширишни талаб қилади.

2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) ишлаб чиқиш методологияси қуйидаги омиллардан фойдаланишга асосланган:

вилоятни икки йил мобайнида комплекс ривожлантириш учун — ўрта муддатли истиқболда вилоятни комплекс ривожлантириш учун омиллар, шароитлар ва заминларни таҳлил қилиш, уларнинг таъсирини баҳолаш, мавжуд тамойиллар ва муаммоларни аниқлаш;

ижтимоий-иқтисодий прогнозларни ишлаб чиқишнинг замонавий методларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқилган мақсадли кўрсаткичлар тизими;

мақсадли кўрсаткичларни ривожлантиришнинг амалдаги ва ишлаб чиқиладиган энг муҳим мақсадли дастурлари билан боғлаш;

молиялаштиришнинг аниқ манбаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадли мўлжалларга эришиш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш.

1. Ҳудудий ривожлантириш стратегиясининг мақсадли мўлжаллари ва асосий йўналишлари

Ҳудудий ривожлантиришнинг мақсадли мўлжаллари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан, шунингдек ривожлантиришнинг мақсадли дастурларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Дастурда ялпи минтақавий маҳсулотни 2009 йилда 7,7 фоизга, 2010 йилда 8,0 фоизга, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи минтақавий маҳсулот таркибидаги улушини барқарор кўпайтириш ҳисобига ўстириш назарда тутилмоқда (1, 2, 3-жадваллар*).

Саноат ишлаб чиқаришини ҳудудий жиҳатдан ташкил этишни қуйидагилар асосида тубдан такомиллаштириш назарда тутилмоқда:

* 1 — 3-жадваллар берилмайди.

саноатнинг стратегик жиҳатдан муҳим тармоқларини — нефть-газ комплексини ва норуда материаллар саноатини янги конларни ўзлаштириш ва минерал-хом ашё базаси захираларини кўпайтириш, минерал-хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлашнинг замонавий, энергияни тежайдиган, юқори самарали технологияларини жорий этиш ҳисобига барқарор ривожлантиришни таъминлаш;

туманларнинг рақобатбардошли афзалликлари негизида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш;

қурилиш материаллари саноатида сифат жиҳатидан жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш;

маҳаллий қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан фойдаланиш негизида, биринчи навбатда, тўқимачилик саноатида қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш, мамлакатимиз корхоналарида пахта толасини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш;

минтақада маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва рақобатбардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларни, йирик корхоналар филиалларини кенг ривожлантириш ва жойлаштириш.

Саноат корхоналарини ривожлантириш вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида устувор йўналиш бўлади. 2009-2010 йиллар мобайнида саноат маҳсулотларининг ўртача йилига 5,4 фоиз ўсиши кутилмоқда, бу унинг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улушини 48 фоизгача етказишни таъминлайди. Шунингдек умумий ҳудуд саноат маҳсулоти ҳажмида маҳаллий тасаруфдаги корхоналар улуши 2,2 баробарга оширилади.

Тармоқларни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган дастурларни оқилона мувофиқлаштириш ҳамда аниқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида саноат корхоналарини жойлаштириш билан боғлиқ таркибий силжишларга эришилади (4-жадвал*).

Икки йил мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган янги саноат корхоналари ва қўшимча цехларни ишга тушириш, шунингдек мавжуд корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича камида 150 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 35 — 40 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади.

Рангли металлургия, машинасозлик, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил саноат каби тармоқларда модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш давом эттирилади.

Бунда бўш турган объектларда кичик бизнеснинг истиқболли лойиҳаларини самарали жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу билан бирга, Дастур доирасида Конимех, Нурота, Учқудук, Томди туманларида ва Зарафшон шаҳрида минерал-хом ашё ресурсларини комплекс ўзлаштиришни ҳамда шу асосда йирик ва кичик қайта ишлаб чиқариш корхоналарини, шу жумладан полиметаллар, цемент хом ашёси, норуда мате-

* 4-жадвал берилмайди.

риалларнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ривожлантириш назарда тутилган.

Саноатни ривожлантириш кўп жиҳатдан хўжалик юритишнинг инновация шакллари изчил жорий этиш, янги технологияларни жадал ўзлаштириш ва юқори даражада қўшимча қийматли рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Жумладан, енгил саноатда ипак ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва кенгайтириш, шунингдек тўқимачилик саноати учун ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, тикув тармоғини ривожлантириш ҳисобига қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўсишига кўмаклашадиган илғор технологияларни жорий этиш мўлжалланмоқда.

Ушбу йўналишда кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш ҳисобига устуворлик Навоий шаҳрига, Нурота ва Навбахор туманларига берилади.

Дастур истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг бутун секторини, шу жумладан яратилган рағбатлардан самарали фойдаланиш воситасида жадал ривожлантиришни назарда тутди. Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўртача 5,2 фоизга ўсишини таъминлаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва жойлаштириш. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши қуйидаги мақсадли йўналишлар ҳамда таркибий қайта ўзгартиришлар, шунингдек иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига таъминланади:

аграр секторнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, барча туманларда амалдаги экинлар таркибини такомиллаштириш (5, 5а, 5б-жадваллар*);

фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги техникасини янгилаш, бунда лизинг хизматларидан кенг фойдаланиш (6, 6а-жадваллар);

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини Суғориш тизимларини реконструкция қилиш дастурига мувофиқ амалга ошириш (7-жадвал*);

мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун реал асос яратиш мақсадида таркибий силжишларни озик-овқат комплекси йўналишида рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмини асосан Навбахор, Конимех, Томди, Хатирчи туманларида кўпайтириш;

мева-сабзавот маҳсулотлари, мевалар ва узум етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларини, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ривожлантириш, шунингдек мева-сабзавот маҳсулотлари, узумни қайта ишлайдиган замонавий мини-технологиялар билан жиҳозланган агро-саноат фирмалари фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш.

* 5 — 7-жадваллар берилмайди.

2009-2010 йилларда узумзорлар майдонини 2007 йилдагига нисбатан 200 гектарга кўпайтириш ва 2010 йилга бориб уларни 6,7 минг гектарга етказиш. Кармана, Конимех, Қизилтепа, Навбахор, Нурота туманларида мева ва узум етиштириш устувор йўналишлардан бири бўлади.

Хусусий деҳқон хўжаликларида қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, шунингдек тегишли инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар қорамоллар бош сонини 2010 йилда 110,4 фоизга кўпайтиришга ва қорамолларнинг умумий сонини 315,8 минг бошга, қўй ва эчкилар бош сонини 107,4 фоизга кўпайтириш ва уларнинг умумий сони эса 1825,2 минг бошга етказилишини таъминлайди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг кўпайиши наслдор чорвачиликни ривожлантиришнинг замонавий усуллари ва технологияларини қўллаш, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, яйловларга сув чиқариш ва чорва моллари зотини яхшилаш ишлари ҳисобига амалга оширилади.

Ижтимоий инфратузилма объектлари. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари тасдиқланган давлат дастурларининг инвестиция лойиҳалари билан ўзаро боғлиқликда устувор равишда ижтимоий секторга йўналтирилади (8-жадвал*).

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси. Туманлар ва шаҳарларни ривожлантириш бутун ҳудудни ўзаро боғловчи, минтақаларга ва улар аҳолисига мавжуд салоҳиятлардан самарали фойдаланиш имконини берадиган инфратузилма билан таъминланганлик асосида амалга оширилади. Иқтисодиёт ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ягона транспорт тармоғини, алоқа ва ахборот технологияларини ривожлантиришга доир амалга оширилаётган мақсадли дастурлар бунга кўп жиҳатдан кўмаклашади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини фаолият кўрсатаётган корхоналар ва янгидан ташкил этилаётган корхоналарнинг транспорт коммуникацияларига (автомобиль ва темир йўл линиялари), электр энергиясига (электр узатиш линиялари, кичик станциялар ва бошқалар), газ ва техник сув таъминотига бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги конларни ўзлаштириш ва саноат корхоналари қуриш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан ўзаро боғлиқликда ривожлантириш назарда тутилади.

Ушбу йўналишда Зарафшон шаҳри, Хатирчи, Нурота, Учқудук, Томди, Кармана туманларида ишлар олиб борилади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилишга 2009 йилда 18,1 млрд сўм, 2010 йилда 28,8 млрд сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши кўзда тутилмоқда, бу вилоятнинг транзит салоҳияти мустаҳкамланиши ва ривожланишини таъминлайди (9-жадвал*).

Шу билан бирга, фаолият кўрсатаётган, модернизация қилинаётган ва янгидан ташкил этилаётган саноат корхоналарининг автомобиль ва темир йўлларга уланишини таъминлашга доир бир қатор чора-тадбирлар

* 8-9-жадваллар берилмайди.

назарда тутилган, бу автомобиль ва темир йўл орқали юк ташишни енгиллаштиради.

Бундан ташқари, Кармана туманида «Эркин иқтисодий зона» ва халқаро логистика маркази ташкил этилиши муносабати билан вилоятда янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этиш, шунингдек мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг дунёнинг бошқа мамлакатлари ва минтақалари билан боғландиган асосий ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспортлари магистраллари жойлашган ҳудудий ишлаб чиқарувчилари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва транспорт чиқимларини қисқартириш назарда тутилмоқда.

Телекоммуникациялар ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича Ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши ҳудудда, айниқса қишлоқ туманларида ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳолининг ушбу хизмат турлари билан таъминланганлик даражасини оширади.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш. 2006 — 2010 йилларга мўлжалланган дастурнинг тасдиқланган параметрлари хизматлар кўрсатиш соҳаси ва ижтимоий инфратузилманинг тегишли мақсадли йўналишлари учун асос ҳисобланади.

Вилоятда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида, айниқса қишлоқ жойларда тадбиркорлик ташаббусларини янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, унинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улушини йилига 2,4 фоиздан ошириб бориш назарда тутилмоқда. Натижада хизмат соҳасида банд аҳолининг улуши қарийб 1,5 барабар ошиши мўлжалланмоқда.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга янги объекларни ишга тушириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ва ҳажмини кенгайтириш ҳисобига эришилади (10, 10а-жадваллар*).

Кармана, Қизилтепа, Хатирчи ва Учқудуқ туманларида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг янада юқори суръатларига эришиш кутилмоқда.

Шаҳар ва туманларда, айниқса қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини 29,8 фоизгача етказиш мўлжалланмоқда.

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш учун ички инвестициялар билан бирга 12,5 млн АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция маблағлари жалб қилиш мўлжалланган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш 101,3 минг кишини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, сув қувурларини янгилаш, сув ўлчаш приборларини ўрнатиш имконини беради.

90 та қишлоқ аҳоли пунктига 470 километр узунликдаги сув қувурлари ўтказиш кўзда тутилмоқда. 2011 йилга бориб аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 78,4 фоизга етказилади.

Бундан ташқари, **аҳолини табиий газ билан таъминлашни яхшилаш** мақсадида яқин икки йилда ҳар хил диаметрли 29,3 км газ қувурлари

* 10-10а-жадваллар берилмайди.

таъмирланади, 20 км реконструкция қилинади ва 28 км янгидан ўтказилади. Натижада 2010 йил якунига бориб яна 10 минг хонадоннинг газ таъминоти яхшиланиб, аҳолининг табиий газ билан таъминланиш даражаси 85,5 фоизни ташкил қилади.

Маҳсулот экспортини кенгайтириш. Экспорт ҳажмининг кимё ва қайта ишлаш, тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобига ўсиши мўлжалланмоқда.

Аҳолининг иш билан бандлик даражаси. Аҳолининг иш билан бандлик кўрсаткичлари ҳудудни комплекс ва балансли ривожлантиришнинг пировард мақсадли йўналишлари ҳисобланади (11, 11а, 11б, 11в-жадваллар*).

Аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этиш ҳудудда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд қувватларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш ва ҳар томонлама рағбатлантириш;

йирик саноат корхоналари билан кооперациялаш орқали касаначиликни ривожлантириш;

ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида янги объектларни фойдаланишга топшириш.

Минтақаларнинг молиявий барқарорлиги. Дотацияда бўлган туманларнинг маҳаллий бюджетдаги дотация улушини камайтириш ҳамда қолган туман ва шаҳарларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ҳудудий ривожлантириш стратегиясининг муҳим йўналишидир. Ҳисоб-китобларга кўра, туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тавсия этилаётган йўналишлари 2009-2010 йилларда дотация оладиган туманлар сонини 5 тадан 2 тагача қисқартириш имконини беради (12-жадвал*).

2. Молиялаштириш ва ресурслар билан таъминлаш

Дастурни амалга ошириш учун қуйидаги асосий манбалар ҳисобига молиявий ресурслар назарда тутилмоқда:

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, шунингдек минерал-хом ашё ресурсларини комплекс қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналар ташкил қилишга жалб этиш мўлжалланмоқда;

хусусий ички инвестициялар (мамлакатимиз инвесторлари ва хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари), уларнинг шунингдек ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлашга, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасининг янги объектларини ташкил этишга йўналтириладиган маблағлари;

* 11 — 12-жадваллар берилмайди.

қарз олинган хорижий инвестициялар ва Ҳукумат кафолатисиз жалб этиладиган кредитлар;

асосан ижтимоий секторга ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтириладиган давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари фондлардан инвестициялар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

71 Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни тақомиллаштириш тўғрисида

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарорига мувофиқ, малакали мутахассислар тайёрлашнинг юқори сифатини ва уларнинг амалий кўникмаларни янада самарали эгаллашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Касб-хунар коллежлари ўқувчилари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари касб-хунар коллежлари билан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида уларда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш юзасидан шартномалар тузишда кўмаклашсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, тасарруфида касб-хунар коллежлари бўлган вазирликлар ва идоралар:

касб-хунар коллежлари ўқувчилари томонидан ишлаб чиқариш амалиётини тасдиқланган Низомга мувофиқ ўташ тартибининг ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимлигига, ҳар бир касб-хунар коллежи, корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларига етказилишини бир ой муддатда таъминласинлар;

касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишнинг зарур даражада, сифатли ташкил этилиши юзасидан режали назоратни амалга оширсинлар;

касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишнинг

ахволи юзасидан мунтазам равишда мониторинг олиб борсинлар, уни ўргансинлар ва таҳлил қилсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 11 февраль,
40-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 11 февралдаги 40-сон қарорига
ИЛОВА

**Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан корхоналар,
муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини
ўташ тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартибини белгилайди.

2. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг (кейинги ўринларда ўқувчилар деб аталади) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосий таълим дастурининг таркибий қисми ҳисобланади.

3. Назарий таълим бериш жараёнида ўқувчилар томонидан олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, олинadиган мутахассислик бўйича зарур лаёқатга, кўникмаларга ва амалий иш тажрибасига эга бўлиш ишлаб чиқариш амалиётининг мақсади ҳисобланади.

4. Ишлаб чиқариш амалиёти ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш шаклларида бири ҳисобланади ҳамда уларни ишлаб чиқариш шароитларида олинган касб-ҳунар бўйича кўникмалари ва билимларини мустақил равишда қўллашга, ўқув дастурларида назарда тутилган ишларни сифатли ва унумли бажаришга ўргатишни вазифа қилиб қўяди.

5. Ўқувчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги ишлаб чиқариш амалиёти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланadиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тармоқ таълим стандартига мувофиқ амалга оширилади.

6. Ишлаб чиқариш амалиёти ўқувчиларнинг касб-ҳунар коллежи билан

корхона, муассаса ёки ташкилот ўртасидаги шартнома асосида ишлаб чиқариш ёки техник жараёнда мунтазам ва бевосита қатнашиши йўли билан ўтказилади.

7. Касб-хунар коллежи тармоқ ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади ҳамда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этади.

8. Ишлаб чиқариш амалиёти, қоидага кўра, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг ихтисослашувига боғлиқ ҳолда ушбу мақсад учун махсус ажратилган, ўқувчилар ўқишни тугатгандан кейин ишга жойлашиши мумкин бўлган ўқув-ишлаб чиқариш жойларида ўтказилади.

II. Касб-хунар коллежлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишдаги фаолияти

9. Касб-хунар коллежлари ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказиш учун ўқув дастурларига мувофиқ ўқувчиларни олдиндан назарий жиҳатдан тайёрлашни таъминлайдилар, ўқувчилар томонидан техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг пухта ўрганилишини ташкил қиладилар.

10. Касб-хунар коллежлари ишлаб чиқариш амалиёти бошланишидан кечи билан бир ой олдин корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан уларнинг базасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш тўғрисида шартнома тузадилар.

Шартномада касблар бўйича ўқувчилар сони, ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш муддатлари ва ҳар бир ўқувчининг ишлаб чиқариш амалиёти дастурида назарда тутилган барча иш турларини мустақил равишда бажаришга ўрганиши учун ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ёки техник фаолиятнинг бир туридан бошқасига ўтиш жадвали белгиланади.

11. Касб-хунар коллежи ишлаб чиқариш амалиёти вақтида:

ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига, жиҳозларга, мосламаларга ва бошқа меҳнат анжомларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини;

хом ашё, материаллар ва электр энергиясининг тежамли сарфланишини;

ўқувчилар томонидан корхона, муассаса ва ташкилотнинг тегишли маъмурий ва ишлаб чиқариш ходими кўрсатмалари ва фармойишлари бажарилишини таъминлаши шарт.

12. Касб-хунар коллежи:

ишлаб чиқариш таълими усталарига ёки ишлаб чиқариш амалиёти раҳбари бўлган ўқитувчиларга уларни амалиёт ўтказиладиган жойларга юборишда хизмат сафари харажатларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланишини;

ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш режаларида назарда тутилган экскурсияларини ташкил этиш бўйича харажатларнинг тўланишини таъминлайди.

13. Касб-хунар коллежи ишлаб чиқариш амалиётига услубий раҳбарликни, ўқув дастурларида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини, шунингдек кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг ўқувчилар томонидан бажарилишини ва улар бажарган ишларнинг техник шартларга мувофиқлигини текширишни амалга оширади.

14. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишлаб чиқариш амалиёти даврида қуйидагиларга мажбур:

ўқувчилар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва улардан олинadиган мутахассислик билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек зарарли меҳнат шароитларида фойдаланишга йўл қўймаслик;

ўқувчиларни ишлаб чиқариш бинолари, тренинг кабинетлари, зарур материаллар, асбоб-ускуналар, техник ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлаш ва ўқувчиларнинг янги ишлаб чиқариш технологияларини, юқори унумли иш методларини ўзлаштириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларга йўл-йўриқлар беришни ва ишлаб чиқариш амалиётига техник раҳбарликни ташкил этиш, касб-хунар коллежининг педагог ходимларига ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларга ишлаб чиқариш амалиёти даврида тегишли мутахассисликлар ва касблар ишчилари учун назарда тутилган махсус кийим-бошлар, якка тартибда ҳимояланиш воситалари бериш;

зарур холларда ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиёти ўтадиган жойга етказишни ва у ердан олиб келишни таъминлаш;

ўқувчилар бажарган ишларни ушбу корхона, муассаса ва ташкилотда белгиланган тартибда ҳисобга олиш ва қабул қилиш;

ишлаб чиқариш амалиёти тугагач ҳар бир ўқувчига унинг ишлари сифатини, эришган натижаларини, ишга муносабатини, шунингдек унга бериш учун тавсия этилаётган тариф разрядини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқариш тавсифномаси бериш.

III. Ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш босқичлари

15. Назарий жиҳатдан ўқитиш, ўрганилаётган мутахассислик бўйича зарур лаёқатни, кўникмаларни ва амалий иш тажрибани эгаллаш жараёнида ўқувчилар олган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш мақсадида:

касб-хунар бўйича бошланғич лаёқат ва кўникмаларни олиш бўйича — ўқув амалиёти;

мутахассислик соҳаси бўйича — ишлаб чиқариш амалиёти;

диплом ишини бажаришдан олдинги малака ошириш (тажриба орттириш) амалиёти ўтказилади.

16. Ўқув амалиёти ўқувчиларни касб бўйича умумий ва махсус фанларни онгли ва пухта ўрганишга тайёрлаш, уларнинг танланган мутахассислик бўйича амалий касб лаёқати ва кўникмаларини эгаллаши учун ўтказилади.

17. Ишлаб чиқариш амалиёти корхона, муассаса, ташкилот фаолияти-ни ўрганиш ва бошланғич амалий тажрибага эга бўлиш асосида махсус фанларни ўрганишда олинган билимларни мустаҳкамлашга, кенгайтиришга, чуқурлаштиришга ва тизимлаштиришга йўналтирилган.

18. Ўқувчиларнинг диплом ишини бажаришдан олдинги амалиёти ўқитиш-нинг яқунловчи босқичи ҳисобланади ва уларнинг бошланғич касб тажри-басига ва малакага эга бўлиши, ўқувчиларнинг мустақил равишдаги меҳнат фаолиятига касб бўйича тайёрлигини текшириш ҳамда диплом лойиҳаси (иши)га зарур материаллар тўплаш мақсадида ўтказилади.

19. Ўқувчиларнинг тажриба орттириши диплом ишини бажаришдан ол-динги амалиётни ўтказиш турларидан бири ҳисобланади ва якуний давлат аттестациясида диплом лойиҳаси (иши)ни бажариш назарда тутилмаган ҳол-ларда ўтказилади.

IV. Амалиётни ташкил этиш

20. Амалиётни ташкил этиш унинг барча босқичларида:

олинадиган мутахассислик ва бериладиган малакага мувофиқ ўқувчилар-ни тайёрлашнинг зарур ва етарли даражасига бўлган талабларнинг бажари-лишига;

ўқувчилар томонидан ишлаб чиқариш амалиёти дастурига мувофиқ касб (меҳнат) фаолияти кўникмаларини эгаллашнинг узлуксизлиги ва изчилли-гига йўналтирилган.

21. Ишлаб чиқариш амалиёти барча босқичларининг мазмуни ўрта мах-сус, касб-хунар таълимининг тармоқ таълим стандартига мувофиқ ишлаб чиқиладиган ишлаб чиқариш амалиётининг намунавий дастурида белгила-нади.

22. Ўқув амалиёти ўқув, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида, ўқув хўжаликларида, ўқув-тажриба участкаларида ва касб-хунар коллежининг ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг бошқа ёрдамчи объектларида ўтказилади.

23. Ўқув амалиёти, қоидага кўра, ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан ўтказилади. Ўқув амалиёти фанларни (геодезия, педагогика, тиббиёт ва бошқа фанларни) ўрганишнинг давоми ҳисобланадиган ҳолларда у махсус фанларнинг ўқитувчилари томонидан ўтказилади. Ўқув амалиёт-лари рўйхати касб-хунар коллежи томонидан белгиланади.

24. Ишлаб чиқариш амалиёти:

ишлаб чиқариш таълими дарслари;

амалий машғулотлар;

тайёрлаш технологияси ишлаб чиқариш амалиёти дастури талабларига жавоб берадиган товар маҳсулотларни ўқувчилар томонидан тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш фаолияти ;

ўқувчиларнинг тажриба-эксперимент, конструкторлик, ихтирочилик ишларида қатнашиши шаклларида ўтказилади.

25. Ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш муддатлари касб-хунар колле-жи томонидан, ўқувчиларнинг назарий жиҳатдан тайёрланганлигини ва касб-

хунар коллежларининг (устахоналар, ўқув полигонларининг), ўқув-ишлаб чиқариш базасининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

26. Ишлаб чиқариш амалиёти узлуксиз циклда, шунингдек амалиёт мазмуни билан назарий ўқитиш ўртасидаги алоқа таъминланган тақдирда кунлар (хафталар) бўйича назарий машғулотлар билан навбатма-навбат ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

27. Ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш учун жойлар касб-хунар коллежлари билан корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида белгиланади.

28. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўқувчиларга ҳақи тўланадиган иш жойлари, мустақил объектлар, ишлаб чиқариш амалиёти дастурларига мувофиқ ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлайдиган участкалар бериш ҳуқуқига эга.

29. Касб-хунар коллежлари ўқувчилари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташда қўйидагиларга мажбур: ишлаб чиқариш амалиёти дастурида назарда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариш;

корхона, муассаса ёки ташкилотнинг ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш;

техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш.

30. Баҳо ва (ёки) синов ишлаб чиқариш амалиёти ҳар бир босқичининг натижаси ҳисобланади.

31. Ишлаб чиқариш амалиётининг касб-хунар коллежидаги раҳбарлари: корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқариш амалиётининг иш дастурини тузадилар;

якка тартибдаги топшириқлар мавзусини ишлаб чиқадилар;

ўқувчиларни мутахассисликлар бўйича тақсимлашда ёки уларни иш турлари бўйича бир жойдан иккинчи жойга ўтказишда қатнашадилар;

амалиёт даврида ўқувчилар меҳнатидан тўғри фойдаланилишини назорат қиладилар;

ўқувчилар томонидан якка тартибдаги топшириқларни бажаришда ва диплом лойиҳаси (иши)га материаллар тўплашда уларга услубий ёрдам кўрсатадилар;

ўқувчилар томонидан ишлаб чиқариш амалиёти дастурининг бажарилиши натижаларини баҳолайдилар.

32. Корхона, муассаса ёки ташкилотнинг раҳбари ёхуд унинг ўринбосари ёки етакчи мутахассислардан бири ишлаб чиқариш амалиётига умумий раҳбарлик қилади.

33. Ўқувчиларнинг ҳисобот бериш шакли касб-хунар коллежи томонидан белгиланади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

72 Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1901*

(2009 йил 20 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қону-
нининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил
29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макро-
иқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги
ПҚ–1024-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солиш-
дан озод этиш тўғрисидаги низом тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь,
11-сон

Р. АЗИМОВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь,
64-сон

Б. ХЎЖАЕВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь,
2009-6-сон

Б. ПАРПИЕВ

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,
Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 28 январдаги 11, 64, 2009-6-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан
озод этиш тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар томонидан дивиденд тарзида олинadиган даромадларга солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

дивиденд — акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, хиссалари бўйича) тақсимланadиган соф фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, хиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади;

инвестициялар — юридик шахслар томонидан модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, реконструкция қилиш ва қурилишга йўналтириладиган, шунингдек бошқа юридик шахсларнинг устав капиталига (фондига) қўйилма сифатида йўналтириладиган маблағлар;

капиталлашув — юридик шахслар томонидан ўз устав фондиди (устав капиталини) оширишга маблағларни йўналтириш;

кредит — кредит ташкилотлари томонидан юридик шахсларга муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида кредит ташкилотига асосий қарз суммаси ва ссудадан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш шarti билан бериладиган пул шаклидаги ссуда.

2. 2009 йил 1 январдан 2014 йилнинг 1 январигача:

жисмоний шахслар — микрофирма ва кичик корхоналарнинг муассислари томонидан олинadиган дивиденд тарзидаги даромадлари;

юридик шахслар томонидан олинadиган дивиденд тарзидаги даромадлар-

нинг капиталлашувга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисобкитоб қилишга йўналтирилган қисми солиқ солишдан озод этилади.

Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ доимий хусусиятга эга бўлган юридик шахсдан олиниб, унинг устав фондига (устав капиталига) йўналтириладиган солиқ солинмайдиган дивидендларга татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёз 2009 йилнинг 1 январидан кейин ва 2014 йилнинг 1 январига қадар тўланадиган барча дивидендлар учун, улар қайси давр учун ҳисобланганлигидан қатъи назар, татбиқ этилади.

II. Жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар бўйича имтиёзни қўллаш тартиби

4. Жисмоний шахслар — муассисларга дивиденд тарзидаги даромад тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар тўлов манбаида солиқ ушлаб қолмайдилар.

5. Имтиёз микрофирма ва кичик корхоналар томонидан мустақил тарзда, жисмоний шахснинг имтиёзни қўллаш тўғрисидаги аризаси тақдим этилмаган ҳолда қўлланилади.

III. Юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар бўйича имтиёз қўллаш тартиби

6. Дивиденд тарзида даромад тўловчи юридик шахслар (бундан буён матнда тўлов манбаи деб юритилади) дивидендлар тарзида даромад олувчи юридик шахслар томонидан ушбу Низомда келтирилган мақсадларга мазкур маблағларни йўналтирган тақдирда фойда солиғини тўлов манбаида ушлаб қолмайдилар.

7. Дивидендлар тарзидаги даромадларни тўлов манбаида солиқ солишдан озод этиш учун юридик шахс тўлов манбаига мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган шаклда ариза тақдим этади. Мазкур ариза ҳар бир дивиденд тўланишида тақдим этилади. Ариза тўлов манбаи томонидан дивиденд тарзидаги даромад тўлангунига қадар юридик шахс томонидан берилди. Аризани тақдим этиш тўлов манбаида солиқ ушлаб қолмаслик учун асос бўлади.

8. Тўлов манбаида солиқ солинмаган дивидендлар тарзидаги даромадлар олувчи юридик шахслар банкда очилган махсус ҳисобварақда (22626 «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» алоҳида ҳисобварақи) ушбу маблағларни жамлайдилар. Дивидендлар тарзидаги даромадлар тушуми юридик шахснинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

1) ҳисобланган дивидендлар:

4840 «Олинадиган дивидендлар» ҳисобварағининг дебети;

9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредити;

2) дивидендларни махсус ҳисобвараққа келиб тушиши:

5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебети;

4840 «Олинадиган дивидендлар» ҳисобварағининг кредити.

